

# ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-мартида Сирдарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 1803,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 2,6 % га ўсади.

2019 йил январь-марти якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 2168,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,8 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Сирдарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 2,0 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-март)

	Млрд.сўм		2018 й. га нисбатан % да
	2018 й.	2019 й.	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>1322,4</b>	<b>1803,0</b>	<b>102,6</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1228,9	1601,4	102,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	93,5	201,6	103,4
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>1228,9</b>	<b>1601,4</b>	<b>102,5</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	381,3	417,7	100,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	436,3	654,2	101,5
саноат	375,6	573,9	100,5
қурилиш	60,7	80,3	107,2
Хизматлар	411,3	529,5	105,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	92,6	112,2	109,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	77,4	80,3	98,3
бошқа хизмат тармоқлари	241,3	337,0	106,6

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,4 % (ЯҲМ таркибида улуши – 26,1 %), саноат – 100,5 % (35,8 %), қурилиш – 107,2 % (5,0 %), хизматлар 105,6 % (33,1 %) ни ташкил этди.

### 2019 йил январь-мартида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




### *иқтисодий фаолият турлари*

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 88,8 % ини, маҳсулотларга соғ солиқлар эса 11,2 % ни ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 26,1 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-марти (31,0 %) билан таққосланганда 4,9 % пунктга камайди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 5,3 % пунктга қўпайиб, 40,8 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 33,1 % ни ташкил этди ва 2018 йил мос даври (33,5 %) билан таққосланганда 0,4 % пунктга камайди.

### **Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил январь-март**



**2019 йил январь-март**



- Махсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,0 % ни (2018 йил январь-март – 7,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,0 % ни (6,3 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 21,1 % ни (19,7 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(2019 йил январь-март, жамига нисбатан фоизда)**

